

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТЎПЛАМИ

7-сон  
(1027)  
2022 йил  
февраль

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

## МУНДАРИЖА

### *Биринчи бўлим*

68. «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 февралдаги ЎРҚ–753-сон Қонуни
69. «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 февралдаги ЎРҚ–754-сон Қонуни
70. ««Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 18 февралдаги ЎРҚ–755-сон Қонуни

### *Иккинчи бўлим*

71. «Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга

муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 февралдаги ПФ–74-сон Фармони

72. «Туризм, маданий мерос ва спорт соҳаларида давлат бошқарувини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 февралдаги ПФ–75-сон Фармони
73. «Ўзбекистон спортчиларининг навбатдаги ёзги ва қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиши учун тайёргарлик ишларини жадаллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги ПҚ–127-сон қарори
74. «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги ПҚ–128-сон қарори
75. «Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 февралдаги ПҚ–131-сон қарори
76. «Туризм ва маданий мерос вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 февралдаги ПҚ–135-сон қарори
77. «Спортни ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 февралдаги ПҚ–136-сон қарори

#### *Учинчи бўлим*

78. «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 17 февралдаги 74-сон қарори

#### *Бешинчи бўлим*

79. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 3 февралдаги 2022-04-сон «Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумни ҳисоблаш ва солиқлар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 15 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3143-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**68** Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2021 йил 21 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 3 февралда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-модда-

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 16 февралда эълон қилинган.

лар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **29<sup>1</sup>-модданинг иккинчи қисмидаги** «202<sup>1</sup>, 224<sup>1</sup>-моддаларида» деган сўзлар «202<sup>1</sup>-моддаларида, 224<sup>1</sup>-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **224<sup>1</sup>-модда** куйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бузганлик учун ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган жаримани тўламаган тақдирда, кейинчалик Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи бир йил муддатга чекланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юборилади.

Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бузишни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этиб, ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган жаримани тўламаган тақдирда, кейинчалик Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи уч йил муддатга чекланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юборилади»;

3) **245-модданинг биринчи қисмидаги** «222, 224<sup>1</sup>, 224<sup>2</sup>-моддаларида» деган сўзлар «222-моддасида, 224<sup>1</sup>-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 224<sup>2</sup>-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) куйидаги мазмундаги **248<sup>2</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«248<sup>2</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари**

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига ушбу Кодекснинг 224-моддасида ва 224<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бўлинмаларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари номидан

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима тарзида маъмурий жазо чораси қўллашга ҳақли»;

5) **287-модданинг 2-бандидаги** «224, 224<sup>1</sup>, 224<sup>2</sup>-моддаларида» деган сўзлар «224-моддаларида, 224<sup>1</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 224<sup>2</sup>-моддасида, 227<sup>21</sup>-моддаси биринчи қисмида, 227<sup>23</sup>-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **291-модда биринчи қисмининг «е» бандидаги** «224, 224<sup>1</sup>, 224<sup>2</sup>-моддаларида» деган сўзлар «224-моддаларида, 224<sup>1</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 224<sup>2</sup>-моддасида, 227<sup>21</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 227<sup>23</sup>-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **305-модданинг учинчи қисмидаги** «202<sup>1</sup>, 224<sup>1</sup>-моддаларида» деган сўзлар «202<sup>1</sup>-моддаларида, 224<sup>1</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **346<sup>1</sup>-модданинг учинчи хатбошисидаги** «224<sup>1</sup>-моддасида» деган сўзлар «224<sup>1</sup>-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **346<sup>2</sup>-модданинг иккинчи қисмидаги** «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси» деган сўзлар «Чегара қўшинлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 15 февраль,  
ЎРҚ-753-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**69** **Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2021 йил 21 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 3 февралда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10,

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 16 февралда эълон қилинган.

966, 968, 973-моддалар) **132-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

**иккинчи қисм** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз барава-ригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўша ҳаракатлар жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, —

беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

**учинчи қисм тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда,



№ 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

1) **345-модданинг иккинчи қисми** «116» рақамидан кейин «132» рақами билан тўлдирилсин;

2) **381<sup>2</sup>-модда биринчи қисмининг 1-бандидаги** «132-моддасида» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга

илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **198<sup>5</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«198<sup>5</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлигининг ва унинг ҳудудий бошқармаларининг кўрсатмаларини бажармаганлик**

Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлигининг ва унинг ҳудудий бошқармаларининг кўрсатмаларини бажармаганлик, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «198<sup>4</sup>» рақамидан кейин «198<sup>5</sup>» рақами билан тўлдирилсин;

3) **268<sup>3</sup>-модданинг номи** ва **биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«268<sup>3</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари**

Ушбу Кодекснинг 64 ва 198<sup>5</sup>-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлигининг ва унинг ҳудудий бошқармаларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**6-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 15 февраль,  
ЎРҚ-754-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

# 70 «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2021 йил 24 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 30 сентябрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги 472-І-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 октябрда қабул қилинган ЎРҚ-502-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 678-модда; 2019 йил, № 5, 265-модда, № 9, 588-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

**1) 3-модда:**

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ўз ваколатлари доирасида иштирок этиш»;

**еттинчи — ўн учинчи хатбошилари** тегишинча **саккизинчи — ўн тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**2) 6-модданинг саккизинчи қисми** «умумий штатлари сони» де-

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 18 февралда эълон қилинган.

ган сўзлардан кейин «ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **7-модда:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«божхона аудитини амалга ошириш»;

**тўртинчи — ўн иккинчи хатбошилари** тегишинча **бешинчи — ўн учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **ўн учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«жисмоний ва юридик шахсларга қонунчиликда белгиланган тартибда пулли хизматлар кўрсатиш»;

**ўн учинчи хатбошиси ўн тўртинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

4) **11-модда:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Божхона органлари ходимлари божхона назоратини амалга оширишда махсус восита сифатида хизмат итларидан фойдаланиши мумкин»;

**тўртинчи қисми бешинчи қисм** деб ҳисоблансин;

5) **13-модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Алоҳида ҳолларда, божхона органларига хизматга ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган талаблар инобатга олинмаган ҳолда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, қарори ёки фармойиши, шунингдек розилиги ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ёхуд Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг буйруғи асосида — бошқа давлат органларининг ва ташкилотларининг ходимлари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг буйруғи асосида — ёши ўттиздан ошган, тор ихтисосликдаги юқори малакали му-тахассислар қабул қилиниши мумкин.

Қуйидагилар божхона органларига хизматга қабул қилиниши мумкин эмас:

муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқаролар;

хизматни ўташга монелик қиладиган касаллиги ёки жисмоний нуқсонлари бўлган фуқаролар;

бошқа давлат органларидан салбий сабабларга кўра бўшатишган фуқаролар;

содир этган жинояти учун илгари ҳукм қилинганлар, қўлланилган жазо туридан, судланганлик ҳолати тугатилганлигидан ёки олиб ташланганлигидан ва ўзига нисбатан амнистия акти ёки афв этиш қўлланилганлигидан қатъи назар ёхуд ярашув муносабати билан жиний жавобгарликдан озод қилинган фуқаролар»;

6) **16-модда:**

**иккинчи ва учинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Божхона органларининг сержантлар таркиби лавозимларига қабул

килинган шахсларга уларни лавозимга тайинлаш билан бир вақтда «божхона хизмати кичик сержанти» махсус унвони берилади.

Божхона органларининг офицерлар таркиби лавозимларига қабул килинган шахсларга уларни лавозимга тайинлаш билан бир вақтда «божхона хизмати катта сержанти» махсус унвони берилади, улар бу унвонда дастлабки синов муддати тугаб, биринчи офицерлик унвони берилгунига қадар хизмат қилади»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Божхона органларида лавозимлар (офицер ва сержантлар эгаллаши лозим бўлган штат лавозимлари) ва уларга мувофиқ махсус унвонлар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси томонидан тасдиқланадиган божхона органларининг штатларида назарда тутилади»;

**тўртинчи — ўттизинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи — ўттиз биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**олтинчи қисмидаги** «номзодларга» деган сўз «шахсларга» деган сўз билан алмаштирилсин;

**саккизинчи қисмидаги** «майор» деган сўз «божхона хизмати майори» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўққизинчи қисмидаги** «полковник» деган сўз «божхона хизмати полковниги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўнинчи қисмининг:**

**биринчи хатбошисидаги** «лейтенант» деган сўз «божхона хизмати лейтенанти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи хатбошисидаги** «синов муддатини» деган сўзлар «бирламчи касбий қайта тайёргарликни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўн иккинчи қисмининг иккинчи — тўққизинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«божхона хизмати кичик сержанти — икки йил;

божхона хизмати сержанти — икки йил;

божхона хизмати катта сержанти — муддатсиз;

божхона хизмати лейтенанти — икки йил;

божхона хизмати катта лейтенанти — икки йил;

божхона хизмати капитани — уч йил;

божхона хизмати майори — тўрт йил;

божхона хизмати подполковниги — беш йил»;

**ўн учинчи қисмидаги** «Полковник» деган сўз «Божхона хизмати полковниги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўн тўртинчи қисмидаги** «ўн биринчи қисми» деган сўзлар «ўн иккинчи қисми» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўн тўққизинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Пенсия олиш ҳуқуқини, шунингдек навбатдаги махсус унвонни бериш имконини берадиган хизмат йилларига эга бўлган, эгаллаб турган лавозими бўйича энг юқори махсус унвони «божхона хизмати капитани» этиб белгиланган, ишда ижобий тавсифланадиган божхона органларининг офицерлар таркибидаги ходимларига хизматдан бўшатиш билан

бир вақтда «божхона хизмати майори» махсус унвони берилиши мумкин»;

**йигирма биринчи қисмининг иккинчи жумласидаги** «лейтенант» деган сўз «божхона хизмати лейтенанти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўттизинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, қарори, фармойиши ёки розилиги асосида божхона органларидаги хизматга генераллар таркибидаги лавозимга юборилган, шунингдек божхона органларидаги хизматга бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ёки махсус унвонлар ва даражалар мавжуд бўлишини назарда тутувчи бошқа органлардан ўтказиш тартибида ўтказилган шахсларга хизмат қилган йиллари учун фоизли устамани белгилашда аввалги иш жойидаги хизмат ёки меҳнат стажи (фоизли устамани тўлаш учун белгиланган) инobatга олинади ҳамда божхона органларидан бўшатиш тақдирда пенсия тайинлаш чоғида мазкур давр умумий хизмат стажига қўшиб ҳисобланади»;

**7) 17-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин киритилган тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тасдиқланади ва лавозимидан озод этилади»;

**8) 18-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Божхона органларига қабул қилинган ходимлар (Божхона институти битирувчиларидан ташқари) мажбурий тартибда бирламчи касбий қайта тайёргарликдан ўтади»;

**иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари** тегишинча **учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**тўртинчи қисмидаги** «ҳар икки йилда» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг буйруғига мувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**9) 20-модда:**

**биринчи ва иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, қарори, фармойиши асосида, шунингдек унинг розилигига кўра ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ёхуд юқори турувчи органларнинг буйруғи бўйича бошқа давлат органларига ёки уларнинг тасарруфидаги ташкилотларга, халқаро ташкилотларга тайинланган (юборилган) божхона органи ходими ўз мажбуриятларини бажариш даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси кадрларининг амалдаги захирасига (бундан буён матнда кадрлар захираси деб юритилади), агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, божхона органларидаги пул таъминоти сақланмаган ҳолда киритилади.

Божхона органининг ходими сайланган (тайинланган, юборилган) дав-

лат органи ёки унинг тасарруфидаги ташкилот мазкур ходимга у сайлангунига (тайинлангунига, юборилгунига) қадар эгаллаб турган охирги лавози-мидагидан кам бўлмаган миқдорлардаги пул таъминоти тўланишини таъминлайди, шунингдек хизмат йиллари учун устама ва махсус унвон бўйича маош тўлайди»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг буйруғи билан Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатнинг олий таълим муассасаларига ва ташкилотларига магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишга юборилган божхона органи ходими ўқиш даврида, охирги эгаллаган лавозидагидан кам бўлмаган миқдорлардаги пул таъминоти сақланган ҳолда божхона органларининг ихтиёрида қолдирилади»;

**учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи, бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**тўртинчи** ва **бешинчи қисмларидаги** «биринчи қисмида» деган сўзлар «биринчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **22-модданинг:**

**ўн учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ички ишлар органларининг ҳарбий-тиббий комиссияси хулосаси асосида бериладиган касаллик бўйича таътил ёки меҳнатга вақтинчалик лаёқатсизлик варақасини расмийлаштирган ҳолда даволанишда бўлиш даврида божхона органи ходимининг пул таъминоти сақланади»;

**ўн еттинчи қисми** «ўн» деган сўздан кейин «календарь» деган сўз билан тўлдирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 18 февраль,  
ЎРҚ–755-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **71** **Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ногиронлиги бўлган шахслар, айниқса, доимий парваришга муҳтож бўлган болаларни парваришлаётган оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, ижтимоий ёрдамнинг замонавий механизмларини амалга оширишда янги ёндашувларни жорий этиш мақсадида:

1. 2022 йил 1 апрелдан бошлаб меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ҳамда иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — 440 000 сўмдан 622 000 сўмгача оширилсин.

2. Белгилансинки, 2022 йил 1 апрелдан бошлаб:

а) ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг (кейинги ўринларда — ўзгалар парваришига муҳтож болалар) парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига ҳар ойда 500 000 сўм миқдоридан нафақа тўлови (кейинги ўринларда — парваришлаш нафақаси) жорий этилади.

Бунда, парваришлаш нафақасини тўлаш ва етказиб бериш харажатлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади;

б) парваришлаш нафақаси фуқароларнинг Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталига қилган мурожаатлари асосида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тайинланади ва тўланади.

3. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А.К. Инаков) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А. Мусаев) билан биргаликда қуйидаги маълумотларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига электрон шаклда тақдим этиб боришни таъминласин:

2022 йил 1 апрелдан бошлаб ўзгалар парваришига муҳтож болалар тўғрисидаги маълумотларни;

2022 йил 1 октябрдан бошлаб ўзгалар парваришига муҳтож болаларнинг қонуний вакиллари тўғрисидаги маълумотларни.

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 18 февралда эълон қилинган.



4. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А.К. Инаков), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А. Мусаев) билан биргаликда 2022 йилнинг октябрь ойидан бошлаб 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар ва одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликка чалинган 18 ёшгача болаларга тўланадиган нафақаларни ҳамда парваришлаш нафақасини фуқаролардан қўшимча ҳужжатларни талаб этмаган ҳолда «проактив шакл»да тайинлаш тизимини жорий этсин.

5. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов):

ушбу Фармонда белгиланган чора-тадбирлар билан боғлиқ харажатлар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг қўшимча даромадлари ҳамда жамғармага республика бюджетидан ажратилиши кўзда тутилган трансфертлар ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин;

келгуси йилларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида мазкур Фармоннинг амалга оширилиши билан боғлиқ харажатларни назарда тутсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Молия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ушбу Фармоннинг мақсади, вазифалари ва бундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

7. Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 18 ёшгача болаларнинг касалликлари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ушбу Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А. Ишметов ва Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори А.К. Инаков белгилансин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 17 февраль,  
ПФ-74-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2022 йил 17 февралдаги  
ПФ-74-сон Фармонига  
ИЛОВА

**Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 18 ёшгача  
болаларнинг касалликлари  
РЎЙХАТИ**

1. Бош ва орқа мия жароҳатлари ҳамда туғуруқ жароҳатлари оқибатида бош ва орқа мия қон айланишининг оғир бузилишлари, перивентрикуляр лейкомаляция, марказий асаб тизимининг вирусли инфекциялари натижасида чуқур ҳаракатлар бузилиши билан асоратланган ҳолатлар.

2. Жарроҳлик амалиётидан кейинги ҳолатлар: ички аъзолар, суяк-мушак тизими, мия қутиси, қулоқ-томоқ-бурун аъзолари ва суяк-мушак тизимининг туғма аномалияси (ривожланиш нуқсонлари ва деформацияларнинг оғир шакллари) билан туғилган чақалоқларда узоқ назоратни ва коррекцияни талаб қиладиган ҳолатлар.

3. Бириктирувчи тўқиманинг тизимли шикастланиши: тизимли қизил югурик, дерматополимиозит, тизимли бошланувчи ювенил артрити, ювенил ревматоид артрити ва тугунчали периартеритнинг оғир турлари.

4. Церебрал фалаж ва бошқа фалажли синдромлар (истисно: G81.0-G81.9-гемиплегия, G83.1-оёқлар моноплегияси ва G83.2-қўл моноплегияси).

5. Болалар церебрал фалажи, перивентрикуляр лейкомаляция. (Истисно: G80.2-болалар гемиплегияси).

6. Тез-тез қайталанувчи эпилепсиянинг шахс ўзгариши ва ақл пастлиги билан кечиши.

7. Келиб чиқиши ҳар хил бўлган ақлий заифликнинг чуқур ва оғир тури. Аутизм.

8. Сурункали оғир шизофрения ва бошқа руҳий бузилишлар, хулқатвор бузилишлари.

9. Полиомиелит касаллигининг оғир асоратлари.

10. Ўткир бўшашган шол.

11. Туғма гидроцефалия (кучли мия қутиси гипертензияси, тез-тез такрорланувчи талваса хуружлари, кўз тубидаги асоратлар, парезлар, плегиялар, ақлий, нутқий, мотор ривожланишида орқада қолишлар).

12. Кўриш ўткирлигининг яхши кўрадиган кўзда 0 — 0,03 га (коррекция билан) пасайиши.

13. Туғма ва орттирилган тусдаги сурункали бронх-ўпка касалликларида II-III даражали турғун нафас етишмовчилиги. Астманинг гормонга боғлиқ асоратли тури.

14. Тез-тез қайталанувчи оқма яралар ва функционал бузилишлар билан кечадиган суяк ва бошқа таянч тизими сили, силга қарши дори воситаларига турғунлиги бўлган, даволаниш натижа бермаган ва паллиатив да-

вога муҳтож бўлган сил касалликлари; бош мия фаолиятининг кескин бузилиши билан кечадиган сил менингоэнцефалити, жарроҳлик йўли билан даволанишга ҳаётий қарши кўрсатмалари бўлган, кескин функционал бузилишлар билан кечадиган бош ва орқа мия туберкулемалари.

15. Жигарнинг туғма, ирсий, орттирилган касалликларида кучли тургун қайта тикланмайдиган функционал бузилишлар.

16. Сурункали буйрак етишмовчилигининг III босқичи.

17. Инкурабел ёмон сифатли ўсмаларнинг оғир шакли.

18. Бир неча бор жарроҳлик амалиётидан кейин тузатиб бўлмайдиган доимий нажас ва сийдикни тута олмаслик, йўғон, тўғри ичак ва орқа чиқарув тешигининг туғма ва орттирилган оқмалари, сийдик таносил аъзолари оқмалари.

19. Суяк-мушак тизими ва бириктирувчи тўқима касалликларида яққол қайта тикланмайдиган функционал бузилишлар:

бир ёки иккала оёқ ва қўлларда туғма ва орттирилган оғир даражадаги скелет деформациялари ва ампутацион чўлтоқлар;

таянч-ҳаракат аппаратининг ривожланиш нуқсонлари туфайли мустақил ҳаракат ва ўз-ўзига хизмат қилиш имконияти йўқлиги.

20. Қон айланиш тизими туғма аномалиялари (ривожланиш нуқсонлари, маълум бир ёшгача операция қилиб бўлмайдиган ҳолатлар, юрак ва йирик қон томирларида ўтказилган жарроҳлик амалиётидан кейинги ҳолатлар) ифодаланган даражадаги функция бузилишлари билан.

21. Ички секреция безлари функциясининг етишмовчилиги:

қандли диабетнинг I тури (инсулинга боғлиқ қандли диабет);

қандсиз диабет (питуитрин-резистент шакли), Иценго-Кушинга синдроми, сурункали буйрак усти безларининг бошқа бузилишлари (Адиссон кризи), тотал адреноэктомиядан кейинги ҳолат, буйрак усти беи пўстловининг оғир туғма дисфункцияси, соматотроп етишмовчилик (гипофизар нанизм), туғма ва орттирилган гипотиреознинг оғир шакли, гипопаратиреоз, тиреотоксикоз.

22. Миопатиялар, орқа мушак атрофияси, тугалланмаган остеогенез, ирсий нейродегенератив касалликлар — лейкодистрофия, гепатолентиккуляр дегенерация. Ички аъзолар ва тизимларнинг оғир бузилишлари, психомотор ва нутқий ривожланишдаги бузилишлар билан кечувчи ирсий рахитсимон касалликлар, Марфан синдроми ва Элерс-Данло синдроми.

23. Кўплаб туғма нуқсонлар, ички аъзолар фаолиятининг бузилишлари, психомотор ва нутқий ривожланишда орқада қолиш билан кечувчи хромосом бузилишлар: Клайнфельтер синдроми, Шершевский-Тернер синдроми, Патау синдроми, Эдвардс синдроми ва бошқалар.

24. Ўткир ва сурункали лейкозлар, гемобластозлар, хавфли гистиоцитоз, миелодиспластик синдромлар.

25. Қон ишлаб чиқариш туғма ва орттирилган апластик анемиялари.

26. Оғир геморрагик синдром билан кечувчи, доимо қайталаниб турувчи сурункали тромбоцитопатиялар, ирсий ва орттирилган шакллари, йилига 3 мартабадан ортиқ хуруж қиладиган геморрагик синдромлар.

27. Гемофилия.

28. Талассемия.

29. Туғма иммунитет танқислиги ҳолатлари: оғир мужассамлаштирилган антитаначалар етишмовчилиги устун бўлган иммунитет танқислиги ҳолатлари, полиморфядроли нейтрофиллар функционал бузилишлари, септик грануламатоз — жигар, ўпка, лимфа тугунлари ва бошқа аъзоларнинг қайталаниб турувчи бактериал шикастланиши билан кечиши.

30. ОИТС — орттирилган иммунитет танқислиги синдромининг IV босқичи.

31. Буллёз эпирдемиолиз.

32. Кистозли фиброз (муковисцидоз): 7 ёшгача бўлган болалар доимий ёрдамга муҳтож; 7 ёшдан катта болаларда — оғир асоратли ҳолатларда.

33. Ички аъзолар фаолиятининг бузилишлари, психомотор ва нутқий ривожланишда орқада қолиш билан кечувчи ирсий гликоген тўпланиши ва гликофинголипид метоболизмининг бузилиши касалликлари:

Помпе касаллиги;

Гоше касаллиги;

Фабри касаллиги;

Краббе касаллиги;

Ниман-Пик (А ва В тури) касаллиги;

Мукополисахаридозлар.

34. Ички аъзолар фаолиятининг бузилишлари, психомотор ва нутқий ривожланишда орқада қолиш билан кечувчи Даун касаллиги.

*Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Хукумат қарори билан ушбу рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилди.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**72 Туризм, маданий мерос ва спорт соҳаларида давлат бошқарувини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида\***

Очиқлик сиёсати, бой маданий меросимиз ва туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш натижасида, сўнгги йилларда юртимизга ташриф буюраётган сайёҳларнинг сони бир неча баробар ўсди. Пандемия ушбу соҳага ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда туризм хизматларини жадал ривожлантириш, айниқса, инфратузилмани яхшилаш, зиёрат туризми ва ички туризм имкониятларини кенгроқ ишга солиш, шунингдек, маданий мерос объектлари муҳофазасини кучайтиришга оид ишлар самарадорлигини тубдан ошириш зарур.

Шунингдек, спорт соҳасида — маҳаллалар ва таълим муассасаларида спортни янада оммалаштириш, уларда спорт билан шуғулланиш учун барча зарур шароитларни яратиш орқали аҳолини, шу жумладан ёшларни спортнинг барча турларига кенг жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш орқали ўғил-қизларимиз, аёлларимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, нуруний онахон ва отахонларимиз умрини узайтириш, Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари ҳамда халқаро мусобақаларда иштирок этиш учун спортчиларимизнинг янада пухта тайёргарлик кўришларига барча шароитларни яратиш лозим.

Ушбу вазифалар ижросини самарали ташкил этиш, янги ёндашувлар асосида туризм ва спорт соҳаларидаги бошқарув сифатини янада ошириш мақсадида:

1. Қўйидагилар ташкил қилинсин:

а) Туризм ва спорт вазирлиги негизида:

Туризм ва маданий мерос вазирлиги;

Спортни ривожлантириш вазирлиги;

б) Туризм ва спорт вазирлигининг ҳудудий бўлимлари негизида:

Қорақалпоғистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Туризм ва маданий мерос вазирлигининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) бўлимлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлигининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) бўлимлари.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Туризм ва маданий мерос вазирлиги туризм ва маданий мерос, Спортни ривожлантириш вазирлиги эса спорт соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқаруви органлари ҳисобланади;

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 19 февралда эълон қилинган.

Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Спортни ривожлантириш вазирлиги ўз ваколатлари доирасида умуммажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади;

туризм, маданий мерос ва спорт масалаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда тегишинча Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Спортни ривожлантириш вазирлиги билан келишилади;

давлат органлари ва ташкилотлар, шунингдек, республиканинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Спортни ривожлантириш вазирлигининг мурожаатига кўра тегишли маълумотларни ўрнатилган тартибда тақдим этади;

Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Спортни ривожлантириш вазирлиги Туризм ва спорт вазирлигининг тегишли ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

### 3. Қуйидагилар:

а) Туризм ва маданий мерос вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ташқи ва ички туризмни ҳар томонлама кенгайтириш, янги туризм йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни туризм бозорларида жорий қилиш, туризм бўйича нуфузли халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро ва давлатлараро стандартлар ҳамда нормаларни туризм фаолияти ва амалиётига жорий этиш, мамлакатнинг туризм имижини янада ривожлантириш;

туризм турларини кўпайтириш, энг аввало, ички ва зиёрат туризми, экологик туризм, этнотуризм, ишбилармонлик туризми, спорт, гастрономик, тиббий, таълим ва илмий туризмни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш, республика ҳудудларининг туризм салоҳиятидан келиб чиқиб туризмнинг истиқболли йўналишларини белгилаш, янги туризм маҳсулотларини яратиш;

маданий мерос объектларини аниқлаш, ҳисобга олиш, муҳофаза қилиш, тарғиб қилиш, давлат реестри, электрон каталоги, паспорти ва давлат кадастрини юритиш, давлат назоратини амалга ошириш, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳужжатларининг нормалари ва тавсияларини имплементация қилиш, тарихий-маданий ҳудудларнинг тарихий-маданий қиммати, ноёблиги, табиий ландшафти ва ўзига хослигини сақлаб қолиш;

туризм хизматларининг ташқи ва ички бозорларида маркетингини олиб бориш, мамлакатимизнинг бебаҳо туризм салоҳиятини оммалаштириш ва тарғиб қилиш, миллий туризм маҳсулотлари ва брендларининг халқаро туризм бозорларига кириб боришига йўналтирилган фаол реклама-ахборот сиёсатини амалга ошириш;

туризм инфратузилмасини шакллантириш, шу жумладан туризм объектларини жойлаштириш учун салоҳиятли ҳудудларда режалаштириш ва лойиҳалаштириш ишларини ташкил этиш, уларга инвесторларни жалб қилиш, туризм соҳасида тадбиркорлик фаоллиги ошишига ҳар томонлама кўмак-

лашиш, туризм объектларини давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқариш ҳамда мазкур соҳани босқичма-босқич тўлиқ рақамлаштириш;

б) Спортни ривожлантириш вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

хар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги хар бир маҳаллада аҳоли, айниқса, болалар ва ёшлар ўртасида спорт билан шуғулланишни оммалаштириш, оммавий спорт турлари ва соғлом турмуш тарзини юритишга кенг жалб этиш борасида кенг қўламли ишларни ташкиллаштириш, уларни спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб этиш, спорт таълими тизимини такомиллаштириш ва рақамлаштириш, спорт турлари бўйича юқори натижадор спортчилар захирасини яратиш;

спорт инфратузилмасини ривожлантириш, шу жумладан қишлоқ ва чекка худудларда спорт объектларини кўпайтириш, спорт маркетингини ривожлантириш, спорт объектларини давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқариш ҳамда соҳани босқичма-босқич тўлиқ рақамлаштириш, нодавлат спорт объектлари ва муассасалари тармоғини кенгайтириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

мамлакатимизда профессионал спортни, шу жумладан жамоавий, қишки ва экстремал спорт турларини ривожлантиришни, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, спорт тайёргарлиги жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш, барча спорт турлари бўйича миллий чемпионатлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро ва минтақавий мусобақалар ташкил этиш, носоғлом спортга қарши тизимли чоралар кўришни таъминлаш;

Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақа ва турнирларда муваффақиятли иштирокини таъминлаш учун истиқболли спортчиларни саралаш (селекция қилиш), тайёрлаш ва маҳоратини оширишнинг, улар орасидан мамлакат терма жамоалари сифатли спорт захираси ва таркибини шакллантиришнинг самарали тизимини яратишда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, спорт федерациялари (ассоциациялари) билан ҳамкорлик қилиш;

паралимпия ҳаракатини ривожлантириш, шу жумладан жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шуғулланиш учун шарт-шароитларни кенгайтириш, инфратузилмасини яратиш, истиқболли спортчиларни саралаш (селекция қилиш) ва профессионал спортга йўналтириш, малакали мутахассисларни тайёрлаш.

4. Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири лавозими Бош вазир ўринбосари — туризм ва маданий мерос вазири лавозими этиб қайта номлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5087-сон Фармонининг 3-бандига иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Бош вазир ўринбосари — туризм ва маданий мерос вазирининг функционал вазифаларини тасдиқласин;

қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 18 февраль,  
ПФ–75-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2022 йил 18 февралдаги  
ПФ–75-сон Фармониغا  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил  
19 июндаги «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат  
томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини  
янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга  
доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5087-сон Фармонининг  
3-бандига киритилаётган ўзгартириш**

3-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Президиуми раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тавсияси бўйича Президиум раиси лавозимига Президиум аъзолари томонидан сайланади».



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**73 Ўзбекистон спортчиларининг навбатдаги ёзги ва қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиши учун тайёргарлик ишларини жадаллаштириш тўғрисида\***

Ўзбекистон спортчиларининг навбатдаги ёзги ва қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиши учун тайёргарлик ишларини жадаллаштириш, шунингдек, ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларни пул мукофотлари билан рағбатлантириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларида (кейинги ўринларда — Олимпия ва Паралимпия ўйинлари) ғолиб ва совриндор бўлган Ўзбекистон спортчилари қўйидаги миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

олтин медаль учун — 200 000 АҚШ доллари;

кумуш медаль учун — 100 000 АҚШ доллари;

бронза медаль учун — 50 000 АҚШ доллари;

б) мазкур бандда назарда тутилган харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

2. Транспорт вазирлиги (И. Махкамов) Туризм ва спорт вазирлиги билан биргаликда Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик қилиш жараёнида республика ҳудудида ўтказилаётган спорт мусобақалари, ўқув-машғулотлар йиғинларида олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича терма жамоа аъзоларининг иштирокини таъминлаш учун вилоятлараро йўналишлар бўйича (темир йўл ва авиачипта) транспорт харажатларига 2022 йил 1 мартдан 2024 йил 1 сентябрга қадар чегирмалар жорий этсин.

3. Олимпия ва Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) томонидан белгиланадиган хомий ташкилотларнинг:

Олимпия ва Паралимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқи учун лицензияни қўлга киритишга тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон спортчиларига зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида хомийлик хайрия ёрдамани кўрсатиш;

хомийлик хайрия ёрдами сифатида ажратиладиган маблағларни Республика комиссияси томонидан тасдиқланган режа-графикка асосан тўлаб бориш;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, спорт федерация (ассоциация)ларига ажратилган пул маблағларидан оқилона, тежамкор, самарали ва мақсадли фойдаланилганлиги

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 14 февралда эълон қилинган.

ҳақида ҳар чоракда уларнинг ҳисоботини эшитиб бориш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Ҳомий ташкилотларнинг тегишли бошқарув органлари бир ой муддатда ҳомийлик хайрия ёрдами сифатида ажратиладиган маблағларни тасдиқланган режа-графикка асосан тўлаб бориш тўғрисида қарорларни қабул қилсин, ажратилган пул маблағларидан оқилона, тежамкор, самарали ва мақсадли фойдаланилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатсин, натижалари ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон қилсин.

Олимпия ва Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш бўйича Республика комиссияси (А. Арипов, А. Абдуҳақимов) Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик қилиш жараёнида юқори кўрсаткичларни қайд этган ҳомий ташкилотларни мукофотлаш чораларини кўрсин, зарур ҳолларда таклиф киритсин.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги ПҚ-5281-сон қарори билан тасдиқланган 2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш дастурида спортнинг дзюдо, таэквондо (WT), оғир атлетика, спорт курашлари, стол тенниси турларини ривожлантириш бўйича вазифа белгиланган.

Бош вазир ўринбосари А. Абдуҳақимов Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳамда тегишли спорт федерациялари (ассоциациялари)ни жалб этган ҳолда:

2022 йил 1 майга қадар — спортнинг дзюдо турини ривожлантириш бўйича;

2022 йил 1 июнга қадар — спортнинг таэквондо (WT) ва спорт курашлари турларини ривожлантириш бўйича;

2022 йил 1 июлга қадар — спортнинг оғир атлетика ва стол тенниси турларини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

5. Бош вазир ўринбосари А. Абдуҳақимов Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, Ўзбекистон қишки спорт турлари ассоциацияси ҳамда тегишли спорт федерациялари (ассоциациялари)ни жалб этган ҳолда 2022 йил Пекин шаҳрида (Хитой) бўлиб ўтаётган XXIV қишки Олимпия ва XIII Паралимпия ўйинлари натижаларидан келиб чиқиб:

2022 йил 1 апрелга қадар — Ўзбекистонда қишки спорт турларини комплекс ривожлантиришни;

2022 йил 1 июлга қадар — 2026 йил Милан шаҳрида (Италия) бўлиб ўтадиган XXV қишки Олимпия ва XIV Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва белгилан-

ган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарори билан белгиланган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи лицензияларнинг, шунингдек, иштирок этиладиган спорт турларининг сонини камайтириш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли бўлинмалари билан келишилган ҳолда Республика комиссияси томонидан амалга оширилади.

7. Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2028 йил Лос-Анжелес шаҳрида (АҚШ) бўлиб ўтадиган XXXIV ёзги Олимпия ва XVIII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида»ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда, қўйидагилар назарда тутилсин:

Олимпия ва Паралимпия дастурларига киритилган спорт турлари бўйича, айниқса, жамоавий спорт турлари (баскетбол, гандбол, волейбол, чим устида хоккей, регби, сув полоси ва бошқалар) бўйича лицензиялар сонини сезиларли даражада кўпайтириш;

Лос-Анжелес шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини саралаш ва тайёрлаш дастури;

Лос-Анжелес шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш бўйича мақсадли кўрсаткичлар;

Лос-Анжелес шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўрувчи Ўзбекистон миллий терма жамоаларининг контингенти;

Лос-Анжелес шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш мақсадида спорт федерация (ассоциация)ларига бириктирилган спорт базалари рўйхати;

Лос-Анжелес шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш бўйича Республика комиссияси таркиби ҳамда комиссия тўғрисида низом тасдиқланиши;

Лос-Анжелес шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида иштирок этиш учун талабгорлар ўртасида аёл спортчилар улушини ошириш, спортчиларни саралаш ва тайёрлашда гендер тенглигини таъминлаш; спорт фармакологияси, психологияси, тиббиёти ва диетологиясини такомиллаштириш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш.

8. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари А.А. Абдуҳакимов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси Р.М. Шаабдурахманов ва Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси раиси М.М. Ташходжаев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар йили 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 14 февраль,  
ПҚ-127-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**74 Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини ошириш, бюджет қонунчилиги бузилишининг профилактикасини кучайтириш ва масофавий молиявий назоратни кенгайтириш, шунингдек, давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари биринчи навбатда қуйидаги йўналишларда бюджет қонунчилиги бузилишининг профилактикасига алоҳида эътибор қаратсин:

бюджет ташкилотларида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг тўғри ҳисобланиши;

ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилган объектларда амалга оширилаётган қурилиш ишларини мониторинг қилиш ва уларда назорат тадбирларини ўтказиш;

бюджет тизими бюджетларидан тўланаётган субсидияларнинг манзиллигини ва самарадорлигини баҳолаш;

давлат харидларида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини назорат қилиш;

давлат қарзи ва грантлар ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳаларнинг натижадорлигини ўрганиш.

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 15 февралда эълон қилинган.

Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари 2022 йилдан бошлаб назорат ишларининг йиллик дастурларини мазкур бандда назарда тутилган устувор йўналишларга мувофиқлаштирсин. Бунда, қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:

бюджет ташкилотларида бюджет маблағлари бошқарилиши ва бюджет ҳисоби юритилишини махсус автоматлаштирилган дастурий маҳсулотлар воситасида доимий мониторинг қилиш;

масофавий назоратни кенг қўламда қўллаш, замонавий ахборот технологиялари ва маълумотлар базаси воситасида текшириш объектлари ва мақсадларини аниқлаш йўли билан кам самарали тафтишларни қисқартириш билан бир вақтда бюджет ташкилотларини текшириш самарадорлигини ошириш.

2. Молия вазирлиги, Ҳисоб палатаси ҳамда Бош прокуратуранинг Молия вазирлиги таркибидаги Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари негизида Молия вазирлиги ҳузурида Давлат молиявий назорати инспекциясини (кейинги ўринларда — Инспекция) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Молия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда «Электрон назоратчи-тафтишчи» дастурий мажмуасининг (кейинги ўринларда — дастурий мажмуа) қўйидаги босқичларда яратилишини таъминласин:

биринчи босқичда — 2022 йил 1 сентябрга қадар вазирлик ва идоралар билан реал вақт режимида ахборот алмашинуви орқали бюджет қонунчилигини бузиш хавфини таҳлил қилиш мақсадида Молия вазирлигининг молиявий назорат маълумотлари базасини ишга тушириш;

иккинчи босқичда — 2023 йил 1 январга қадар давлат молиявий назорати объектининг муайян давр учун айрим масалалар бўйича фаолиятини назорат қилиш (мавзули назорат) модулини яратиш.

Бунда, дастурий мажмуани ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

#### 4. Инспекция таркибида:

бюджет тизими бюджетлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилган қурилиш объектларида назорат ўлчови ҳамда амалга оширилган тўловлар ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмига мувофиқлиги устидан назорат ўрнатиш учун 40 та штат бирлигидан иборат Қурилиш объектларида назорат ўлчовини амалга ошириш бошқармаси;

давлат молиявий назорати тизимида мансаб ваколатини суниистеъмол қилиш ва бошқа коррупцион ҳолатларнинг олдини олишга масъул бўлган, 10 та штат бирлигидан иборат Комплаенс назорати бошқармаси ташкил этилсин.

5. Давлат дастурлари ижро этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика штаби (Э.Т. Юлдашев) бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан амалга оширилаётган қурилиш ишларининг назорати бўйича Инспекция билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйсин.

6. Шундай тартиб белгилансинки, унга мувофиқ қонунчиликда белгиланган асосларга кўра, бюджет тизими бюджетлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилган қурилиш объектларида назорат ўлчови:

қурилиш қиймати 10 млрд сўмгача бўлган объектларда — қурилишда назорат ўлчовини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли ташкилотларни жалб қилган ҳолда;

қурилиш қиймати 10 млрд сўмдан юқори бўлган объектларда — Инспекциянинг қурилиш объектларида назорат ўлчовини амалга ошириш бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Белгилансинки, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар талабига асосан бюджет тизими бюджетлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилган қурилиш объектларида назорат ўлчовини ўтказиш учун жалб қилинган, қурилишда назорат ўлчовини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли ташкилотларга Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан ҳақ тўланади.

7. Қурилиш вазирлиги 2022 йил 1 майга қадар «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида давлат харидлари махсус ахборот портали, электрон кооперация биржаси портали, солиқ органлари ва тегишли бошқа ташқи манбалар билан маълумотлар алмашуви йўлга қўйилишини, шунингдек, қурилиш объектида ҳақиқатда сарфланган қурилиш материаллари (жиҳозлар) миқдори ва ишчилар ҳисобининг юритилишини таъминласин.

8. Белгилансинки:

а) 2022 йил 1 апрелдан бошлаб давлат молиявий назорати соҳасида қондабузарликлар ҳолатлари тўғрисида Инспекцияга «Давлат аудити» дастурий комплекси орқали хабар берган жисмоний шахсларга, ушбу маълумот асосида молиявий текширувлар жараёнида аниқланиб, давлат фойдасига ундирилган маблағлар ҳисобидан мукофот тўланади;

б) 2022 йил 1 июндан бошлаб:

бюджет буюртмачиларининг электрон кооперация биржаси порталида тузган шартномалари тўғрисидаги ахборот келиб тушгандан сўнг, у бир иш кунинда автоматик тарзда Молия вазирлиги Фазначилигида рўйхатдан ўтказилади;

маҳаллий бюджетлар қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг таклифлари жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун 10 кун муддатга «Е-қағоғ» электрон тизимида жойлаштирилади, бундан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириладиган маблағлар мустасно;

мазкур кичик банднинг учинчи хатбошисида назарда тутилган таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар, вилоятлар, туман ва шаҳарлар Кенгашига жамоатчилик муҳокамаси натижалари билан биргаликда киритилади.

9. 2022 йилда Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини ошириш ҳамда молиявий назорат фаолиятини такомиллаштириш бўйича

«Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харита») 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

«Йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини назорат қилиш Молия вазирлиги (Т. Ишметов) ва Ҳисоб палатаси (Б. Турабов) зиммасига юклатилсин.

10. «Йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш учун масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига қўйидаги рағбатлантириш ва жавобгарлик чоралари кўрилиши белгилаб қўйилсин:

вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижросини таъминлаган раҳбарларни ярим йиллик яқунларга кўра ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизигача бўлган миқдорда мукофотлаш;

вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижросини таъминламаган раҳбарларга ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдориди жарима санкцияларини қўллаш.

«Йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш учун масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига рағбатлантириш ҳамда жавобгарлик чораларини қўллаш Ҳисоб палатаси (Б. Турабов) ва Молия вазирлигининг (Т. Ишметов) таклифларига кўра амалга оширилади.

11. Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда ҳар бир ҳудуд учун алоҳида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

Мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларни ҳудудларда татбиқ этиш бўйича масъуллар рўйхати 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

12. Молия вазирлиги икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва Ҳисоб палатаси билан биргаликда Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари бошқарув ходимларини аттестациядан ўтказишни ташкил қилсин ҳамда Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармаларини замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрлар ва мутахассислар билан тўлдириш чораларини кўрсин.

13. Шундай тартиб белгилансинки, унга мувофиқ:

2022 йил 1 сентябрдан бошлаб вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари (кейинги ўринларда — ички аудит хизмати) ходимлари томонидан ўтказиладиган тадбирлар ички аудитнинг миллий стандартлари ва ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмаси асосида амалга оширилади;

ички аудит хизмати ўзи аниқлаган ва ваколати доирасида ҳал этиш имкони бўлмаган қоидабузарликлар ҳолатлари юзасидан бир иш куни ичида Инспекцияни хабардор қилади. Бунда Инспекция томонидан ушбу хабарнома асосида белгиланган тартибда текшириш ўтказилади;

2022 йил 1 ноябрга қадар Инспекция ходимлари молиявий назорат ва ички аудит соҳасидаги халқаро тажрибалар асосида махсус ўқув курсларида ўқитилади;

---

\* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2022 йил 1 ноябрдан бошлаб Инспекция ва ички аудит хизматларининг ходимларига малака сертификати бериш тизими жорий этилади;

2023 йил 1 сентябрдан бошлаб ички аудит бўйича миллий малака сертификатига эга бўлмаган шахсларни Инспекция ва ички аудит хизматларининг ходими лавозимига ишга қабул қилишга ҳамда уларнинг ушбу тизимларда фаолият юритишига йўл қўйилмайди, бундан халқаро сертификатга эга бўлган шахслар мустасно.

14. 2022 йил 1 мартдан бошлаб Халқ таълими вазирлиги (4 та), Мактабгача таълим вазирлиги (4 та) ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги (4 та) тизимидаги ташкилотларнинг штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобидан Молия вазирлиги марказий аппаратида 12 та штат бирлигидан иборат Ички аудит хизматлари билан ишлаш бошқармаси ташкил қилинсин.

Қуйидагилар Ички аудит хизматлари билан ишлаш бошқармасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ички аудит миллий стандартлари ва бошқа услубий ҳужжатларни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

Инспекция ва ички аудит хизматлари ходимларининг малакасини доимий ошириб бориш ишларини ва уларни сертификатлашни ташкил этиш; масофавий аудит тадбирлари кўлами ва сифатини ошириш, шунингдек, ички аудит хизматларига хавфларни аниқлаш ва уларнинг олдини олишда услубий кўмаклашиш;

ички аудит хизматлари фаолиятини ўрганиш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш асосида ҳисоботлар тайёрлаш ва эълон қилиб бориш.

15. Молия вазирлигининг акциз солиғини тўғри ва ўз вақтида ҳисоблашни назорат қилиш функцияси Давлат солиқ кўмитасига ўтказилсин, шунингдек, пахта хом ашёси ҳисоби ва ҳисоботини давлат томонидан назорат қилиш амалиёти бекор қилинсин.

16. Белгилансинки:

Инспекция томонидан бюджет маблағлари олувчиларнинг консолидациялашган бюджет, шу жумладан давлат қарзи маблағларидан тўғри фойдаланиши устидан давлат молиявий назорати тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда амалга оширилади. Бунда Инспекция томонидан тадбиркорлик субъектларининг мазкур хатбошида назарда тутилган маблағларга тегишли бўлмаган молиявий-хўжалик фаолиятини текширишга йўл қўйилмайди;

Инспекция фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

Инспекция бошлиғи моддий, тиббий ва транспорт таъминоти шартшароитлари бўйича молия вазири ўринбосарига тенглаштирилади;

Инспекция бошлиғи ва унинг ўринбосарлари молия вазирининг тақдимномасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

17. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга-



ликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартириш киритилсин.

19. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 14 февраль,  
ПҚ-128-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2022 йил 14 февралдаги  
ПҚ-128-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
қарорларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартириш**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги «Молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2847-сон қарори қуйидаги мазмундаги 5<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«5<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармалари, ҳудудий молия ва вазначилик бўлинмалари ҳамда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳудудий бўлинмаларининг ходимлари лавозим маошини меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига асосан белгилашда тариф коэффициентлари 1,5 бараварга оширилган ҳолда қўлланилади.

Бунда, бир вақтнинг ўзида мазкур қарор ва олдин қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларининг оширилган тариф коэффициентларини қўллашга рухсат этилмайди ва кўрсатилган коэффициентларнинг энг юқориси қўлланилади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмининг ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-3231-сон қарорининг 4 ва 5-бандлари, шунингдек, қарорга 1 — 3-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**75 Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Сўнгги йилларда табиий ҳудудларни сақлаб қолиш ва уларни қайта тиклаш, экологик муҳитни яхшилаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2018 — 2021 йиллар давомида Угом-Чотқол давлат биосфера резервати, Хоразм ва «Жанубий Устюрт» миллий табиат боғлари ҳамда «Судочье-Акпетки» давлат буюртма қўриқхонаси ташкил этилиб, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг мамлакат ҳудудидаги улуши қарийб икки бараварга ортиди.

Республикада «Қизил китоб»га киритилган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ноёб ҳамда йўқолиб бораётган турларини қамраб олган, ўзига хос, қимматли табиий объектлар ва мажмуалар мавжуд бўлиб, уларни сақлаб қолиш ва қайта тиклаш муҳим аҳамият касб этади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш, экологик қимматга эга бўлган табиий объектлар ва мажмуаларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ноёб ва йўқолиб бораётган турларини сақлаб қолиш ҳамда уларни қайта тиклаш мақсадида:

1. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат экология қўмитаси), Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси ҳамда Навоий вилояти ҳокимлигининг:

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этиш учун Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасига доимий эгалик ҳуқуқи асосида тегишли бўлган Учқудуқ туманидаги 694 205,5 гектар ҳамда Томди туманидаги 40 000 гектар ер майдонларини захирага қайтариш;

давлат табиатни муҳофаза қилиш муассасаси шаклида Учқудуқ туманида умумий майдони 1 200 000 гектар бўлган «Марказий Қизилқум» миллий табиат боғини ва Томди туманида умумий майдони 40 000 гектар бўлган «Оқтоғ-Томди» давлат қўриқхонасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қўйидагилар:

«Марказий Қизилқум» миллий табиат боғи учун ажратиладиган умумий майдони 1-иловага\*\* мувофиқ;

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 16 февралда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Марказий Қизилқум» миллий табиат боғининг қўриқхона, рекреация ва хўжалик мақсадида фойдаланиш зоналари учун ажратиладиган ер майдонлари 2-иловага\* мувофиқ;

«Оқтоғ-Томди» давлат қўриқхонасининг қўриқхона ҳудуди учун ажратиладиган ер майдонлари 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

### 3. Белгилансинки:

«Марказий Қизилқум» миллий табиат боғининг хўжалик мақсадида фойдаланиш зонасидаги ерлар ушбу ҳудудларда жойлашган ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар ихтиёрида қолади;

«Марказий Қизилқум» миллий табиат боғи ва «Оқтоғ-Томди» давлат қўриқхонасининг муассиси Давлат экология қўмитаси ҳисобланади.

4. Қуйидагилар «Марказий Қизилқум» миллий табиат боғи ва «Оқтоғ-Томди» давлат қўриқхонаси фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

2022 йилда — Давлат экология қўмитасининг Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

2023 йилдан бошлаб — Навоий вилояти маҳаллий бюджети маблағлари, Давлат экология қўмитасининг Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги ПФ–6059-сон Фармони билан тасдиқланган 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган қоракўлчиликни ривожлантиришнинг мақсадли параметрларига ушбу қарордан келиб чиқиб тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

### 6. Навоий вилояти ҳокимлиги:

#### а) икки ой муддатда:

ушбу қарорнинг 1-банди иккинчи хатбошисига мувофиқ ер майдонларининг белгиланган тартибда захирага қайтариб олинишини, шунингдек, ушбу ер майдонларининг тегишлилиги бўйича «Марказий Қизилқум» миллий табиат боғи ва «Оқтоғ-Томди» давлат қўриқхонасига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилишини;

Давлат экология қўмитаси, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳамда «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ билан биргаликда «Марказий Қизилқум» миллий табиат боғининг қўриқхона, рекреация ва хўжалик мақсадида фойдаланиш зоналари, шунингдек, «Оқтоғ-Томди» давлат қўриқхонасининг қўриқхона ҳудуди аниқ чегаралари белгиланишини;

Кадастр агентлиги билан биргаликда белгиланган тартибда «Марказий

---

\* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Қизилқум» миллий табиат боғи ва «Оқтоғ-Томди» давлат қўриқхонаси учун ажратилган ер майдонларининг хужжатлари расмийлаштирилишини;

б) уч ой муддатда Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда «Марказий Қизилқум» миллий табиат боғи ва «Оқтоғ-Томди» давлат қўриқхонаси ижро этувчи аппаратларини оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштириш учун Учқудуқ ва Томди туманларидан тегишли бинолар ажратилишини таъминласин.

7. Давлат экология қўмитаси икки ой муддатда:

«Марказий Қизилқум» миллий табиат боғи ва «Оқтоғ-Томди» давлат қўриқхонасининг ижро этувчи тузилмаларини тасдиқлаб, улар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

«Марказий Қизилқум» миллий табиат боғи ва «Оқтоғ-Томди» давлат қўриқхонасини малакали мутахассислар билан тўлдирсин;

қонунчилик хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Давлат экология қўмитаси раиси Н.Н. Обломуродов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида 2022 йил 1 июнга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 16 февраль,  
ПҚ-131-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**76 Туризм ва маданий мерос вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 февралдаги «Туризм, маданий мерос ва спорт соҳаларида давлат бошқарувини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–75-сон Фармониغا мувофиқ:

**1. Қўйидагилар:**

Туризм ва маданий мерос вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага\*\* мувофиқ;

Туризм ва маданий мерос вазирлиги марказий аппаратининг бошқарув ходимлари чекланган сони 84 нафар бўлган тузилмаси 2-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туризм ва маданий мерос вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари бошқарув ходимларининг чекланган сони 386 нафар этиб белгилансин.

**3. Бош вазир ўринбосари — туризм ва маданий мерос вазирига:**

туризм ва маданий мерос вазири ўринбосарлари ўртасида аниқ вазифалар ва функцияларни тақсимлаш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар, хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини, шунингдек, экспертларни маслаҳатчи сифатида жалб қилиш;

зарур ҳолларда, ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида Туризм ва маданий мерос вазирлиги марказий аппарати, шунингдек, тизим ташкилотлари тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Туризм ва маданий мерос вазирлигининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошбошқармалари, туманлар (шаҳарлар) бўлимлари тузилмалари ва низомларини тасдиқлаш, шунингдек, улар бошқарув ходимларининг чекланган сонини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

**4. Белгилаб қўйилсинки:**

Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) этиб қайта номланади;

Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари фаолияти Давлат бюджети маблағлари, вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Жамғарма маблағлари Туризм ва маданий мерос вазирлиги ва унинг

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 19 февралда эълон қилинган.

\*\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

худудий бўлинмалари, шунингдек, тизим ташкилотлари ходимларини қўшимча рағбатлантиришга йўналтирилади;

Туризм ва спорт вазирлигининг мол-мулки, шу жумладан автотранспорт воситаларини Туризм ва маданий мерос вазирлигига ўтказишда қайта расмийлаштириш учун тўловлар ундирилмайди;

Туризм ва маданий мерос вазирлиги томонидан қайта ташкил этилаётган, тугатилаётган, ўзгартирилаётган ва бошқа ташкилотлар тизимига ўтказилаётган ташкилотларга бириктирилган кўчмас мулк объектларига ва бошқа мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар тегишли йиғимлар ва бошқа тўловлар ундирилмаган ҳолда қайта расмийлаштирилади;

Туризм ва спорт вазирлигининг марказий аппарати ходимларини Туризм ва маданий мерос вазирлигига ишга қабул қилиш Бош вазир ўринбосари — туризм ва маданий мерос вазири томонидан тегишли давлат органлари томонидан илгари амалга оширилган келишувларни, танлов натижаларини инобатга олган ҳолда, мустақил амалга оширилади;

Туризм ва маданий мерос вазирлиги тўғрисидаги низом тасдиқлангунга қадар, Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда худудий бўлинмалар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 июлдаги 477-сон қарори билан тасдиқланган Туризм ва спорт вазирлиги тўғрисидаги низомга ва амалдаги тартибга асосан амалга оширилади.

Туризм ва маданий мерос вазирлиги бир ой муддатда вазирлик тўғрисидаги низомни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг қўшимча манбалари этиб белгилансин:

муассиси Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳисобланган корхоналар ва ташкилотлар (кейинги ўринларда — тизим ташкилотлари) ихтиёрида солиқлар ва йиғимлар тўланганидан кейин қоладиган соф фойданинг бир қисми;

хусусийлаштириш тўғрисидаги қарорларга мувофиқ давлат мулки объектларини реализация қилишдан тушадиган тегишли маблағлар;

тизим ташкилотларининг мол-мулкини (бундан кўчмас мулк мустасно) сотишдан тушган маблағларнинг 50 фоизи;

тизим ташкилотларининг мол-мулкини ижарага беришдан тушган бюджетга йўналтирилаётган маблағларнинг 50 фоизи;

тизим ташкилотлари фаолиятини текшириш натижалари бўйича Туризм ва маданий мерос вазирлигининг ички аудит хизматлари томонидан аниқланган Давлат бюджети маблағларининг, шунингдек талон-торож, растраталар, камомадлар суммаларининг 50 фоизи;

тизим ташкилотлари фаолиятини текшириш натижалари бўйича Туризм ва маданий мерос вазирлигининг ички аудит хизматлари томонидан аниқланган ҳамда давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари жамғармалар даромадига ундирилган ноқонуний сарфланган бюджет маблағлари, талон-торож, растраталар, камомадлар суммалари;

тизим ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига тушадиган маблағларнинг 10 фоизи;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

туризм ва маданий мерос соҳаларидаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишдан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг хомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг грантлари ва техник кўмаклашиш маблағлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Туризм ва маданий мерос вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Давлат бюджетининг 2022 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Маданий мерос агентлиги Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 107 б-уй манзили бўйича жойлаштирилсин.

8. Туризм ва маданий мерос вазирлиги:

икки ҳафта муддатда вазирликнинг ҳудудий, таркибий ва қўйи бўлинмалари тўғрисидаги низомлар (уставлар), уларнинг тузилмалари, шунингдек, ходимларнинг лавозим йўриқномалари қайта тасдиқланишини таъминласин;

бир ой муддатда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 18 февраль,  
ПҚ-135-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**77 Спортни ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 февралдаги «Туризм, маданий мерос ва спорт соҳаларида давлат бошқарувини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-75-сон Фармониغا мувофиқ:

**1. Қўйидагилар:**

Спортни ривожлантириш вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага\*\* мувофиқ;

Спортни ривожлантириш вазирлиги марказий аппаратининг бошқарув ходимлари чекланган сони 76 нафар бўлган тузилмаси 2-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Спортни ривожлантириш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари бошқарув ходимларининг чекланган сони 594 нафар этиб белгилансин.

**3. Спортни ривожлантириш вазирига:**

спортни ривожлантириш вазири ўринбосарлари ўртасида аниқ вазифалар ва функцияларни тақсимлаш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар, хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини, шунингдек, экспертларни маслаҳатчи сифатида жалб қилиш;

зарур ҳолларда, ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида Спортни ривожлантириш вазирлиги марказий аппарати, шунингдек, тизим ташкилотлари тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлигининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) бўлимлари тузилмалари ва низомларини тасдиқлаш, шунингдек, улар бошқарув ходимларининг чекланган сонини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

**4. Белгилансинки:**

Спортни ривожлантириш вазирлиги фаолиятини мувофиқлаштириш Бош вазирнинг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари томонидан амалга оширилади;

Вазирлар Маҳкамаси аппарати Туризм, спорт, маданият ва оммавий коммуникациялар масалалари котибиятининг спорт соҳасига масъул ходимлари Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибияти таркибига ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда мазкур банддаги талаблардан

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 19 февралда эълон қилинган.

\*\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



келиб чиқиб Ҳукумат аппаратининг штат жадвалига ҳамда тегишли таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин.

5. Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳузурида бюджетдан ташқари Спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил қилинсин.

Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармасига спорт соҳасидан келиб тушган маблағлар Жамғармага тўлиқ ўтказилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари фаолияти Давлат бюджети маблағлари, вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Жамғарма маблағлари Спортни ривожлантириш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, тизим ташкилотлари ходимларини қўшимча рағбатлантиришга йўналтирилади.

7. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг манбалари этиб белгилансин:

муассиси Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳисобланган корхоналар ва ташкилотлар (кейинги ўринларда — тизим ташкилотлари) ихтиёрида солиқлар ва йиғимлар тўланганидан кейин қоладиган соф фойданинг бир қисми;

хусусийлаштириш тўғрисидаги қарорларга мувофиқ давлат мулки объектларини реализация қилишдан тушадиган тегишли маблағлар;

тизим ташкилотларининг мол-мулкани (бундан қўчмас мулк мустасно) сотишдан тушган маблағларнинг 50 фоизи;

тизим ташкилотларининг мол-мулкани ижарага беришдан тушган бюджетга йўналтириладиган маблағларнинг 50 фоизи;

тизим ташкилотлари фаолиятини текшириш натижалари бўйича Спортни ривожлантириш вазирлигининг ички аудит хизматлари томонидан аниқланган Давлат бюджети маблағларининг, шунингдек, талон-торож, растраталар, камомадлар суммаларининг 50 фоизи;

тизим ташкилотлари фаолиятини текшириш натижалари бўйича Спортни ривожлантириш вазирлигининг ички аудит хизматлари томонидан аниқланган ҳамда давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари жамғармалар даромадига ундирилган ноқонуний сарфланган бюджет маблағлари, талон-торож, растраталар, камомадлар суммалари;

тизим ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига тушадиган маблағларнинг 10 фоизи;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

спорт соҳасидаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишдан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг грантлари ва техник кўмаклашиш маблағлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Белгилансинки:

Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасига давлат активларини сотишдан тушадиган маблағларининг 3 фоизи (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари асосида сотиладиган давлат мулки объектларини сотишдан ҳамда ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар бундан мустасно) Жамғармага йўналтирилади. Бунда, ушбу маблағларнинг бир қисми тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан тадбиркорлар учун ташкил этиладиган ўқув курсларини мақсадли молиялаштириш учун Савдо-саноат палатасига йўналтирилади ва унинг миқдори Савдо-саноат палатаси Президиуми томонидан белгиланади;

Туризм ва спорт вазирлигининг мол-мулки, шу жумладан автотранспорт воситаларини Спортни ривожлантириш вазирлигига ўтказишда қайта расмийлаштириш учун тўловлар ундирилмайди;

Спортни ривожлантириш вазирлиги томонидан қайта ташкил этилаётган, тугатилаётган, ўзгартирилаётган ва бошқа ташкилотлар тизимига ўтказилаётган ташкилотларга бириктирилган кўчмас мулк объектларига ва бошқа мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар тегишли йиғимлар ва бошқа тўловлар ундирилмаган ҳолда қайта расмийлаштирилади;

Туризм ва спорт вазирлигининг марказий аппарати ходимларини Спортни ривожлантириш вазирлигига ишга қабул қилиш спортни ривожлантириш вазири томонидан тегишли давлат органлари томонидан илгари амалга оширилган келишувларни, танлов натижаларини инобатга олган ҳолда, мустақил амалга оширилади;

Спортни ривожлантириш вазирлиги тўғрисидаги низом тасдиқлангунга қадар, Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳамда ҳудудий бўлинмалар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 июлдаги 477-сон қарори билан тасдиқланган Туризм ва спорт вазирлиги тўғрисидаги низомга ва амалдаги тартибга асосан амалга оширилади.

Спортни ривожлантириш вазирлиги бир ой муддатда вазирлик тўғрисидаги низомни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Спортни ривожлантириш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Давлат бюджетининг 2022 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Спортни ривожлантириш вазирлиги Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 2-уй манзили бўйича жойлаштирилсин.

11. Спортни ривожлантириш вазирлиги:

икки ҳафта муддатда вазирликнинг ҳудудий, таркибий ва қуйи бўлин-

малари тўғрисидаги низомлар (уставлар), уларнинг тузилмалари, шунингдек, ходимларнинг лавозим йўриқномалари қайта тасдиқланишини таъминласин;

бир ой муддатда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 8 февраль,  
ПҚ-136-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **78 Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тизими-ни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» 2019 йил 9 январдаги ПФ–5618-сон Фармонида мувофиқ, шунингдек жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш жараёнига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий қилиш, жумладан ушбу соҳада давлат органлари ва ташкилотларининг ягона электрон маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда юритиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

#### 1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» 2019 йил 9 январдаги ПФ–5618-сон Фармони 5-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда — Адлия вазирлиги) жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш соҳасида мувофиқлаштирувчи давлат органи этиб белгиланганлиги;

Адлия вазирлиги томонидан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш мақсадида «Ҳуқуқий тарғиботни баҳолаш тизими» электрон портали (кейинги ўринларда — электрон портал) ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

#### 2. Белгилаб қўйилсинки:

а) электрон портал Адлия вазирлиги томонидан қуйидаги мақсадларда юритилади:

жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолашни очиқ ва шаффоф тарзда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича дастурлар, «йўл хариталари» ва бошқа чора-тадбирлар режалари амалга оширилишини назорат қилиб бориш;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ва ижрочиларга тушун-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 18 февралда эълон қилинган.

тириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳаққонийлигини таъминлаш, уларнинг ягона электрон маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича фаолият натижаларини таҳлил қилиш, баҳолаш ва уларнинг фаолияти самарадорлиги рейтингини юритиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда масъулиятини кучайтириш;

б) электрон портални юритиш билан боғлиқ харажатлар Адлия вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Адлия вазирлиги:

2022 йил 1 мартга қадар электрон портални тажриба-синов тариқасида ишга тушириш, ушбу жараёнда давлат органлари ва ташкилотларининг электрон портални юритишга масъул бўлган ходимларини ўқитиш бўйича семинар-тренингларни ташкил этиб бориш чораларини кўрсин;

2022 йил 1 майга қадар тажриба-синов натижаларига асосан электрон порталнинг тўлиқ ишлашини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 апрелдаги 342-сон қарори билан тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 17 февраль,  
74-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 17 февралдаги 74-сон қарорига  
ИЛОВА

**Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича  
тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тўғрисидаги  
низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Қуйидаги мазмундаги 6<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«6<sup>1</sup>. Ҳуқуқий тарғибот тадбирларини мониторинг қилиш ва баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан юритиладиган маҳсус электрон портал (кейинги ўринларда — электрон портал) орқали амалга оширилади.

Электрон порталдан фойдаланиш учун ҳар бир давлат органи ва ташкилотига алоҳида логин ва парол берилади. Давлат органи ва ташкилоти раҳбари электрон порталдан фойдаланишга масъул бўлган ходимларни белгилайди ва уларнинг ҳисобини юритади».

2. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Ҳуқуқий тарғибот тадбирлари мунтазам мониторинг қилиб борилади ҳамда ҳар йили икки мартаба (январь ва июль ойларида) масъул давлат органлари ва ташкилотларининг электрон порталга киритган маълумотларини таҳлил қилиш, зарурат бўлганда эса жойига бориб ўрганиш орқали баҳоланади».

3. 8-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. 9 — 11-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«9. Ушбу Низомнинг 6-бандида белгиланган чора-тадбирлар режаларини бажаришга масъул давлат органлари ва ташкилотлари ўтказилган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ҳақидаги маълумотларни мазкур тадбирлар амалга оширилгандан сўнг дарҳол электрон порталга киритиб боради.

10. Давлат органлари ва ташкилотларининг электрон порталга киритган маълумотлари ҳар йили 20 январга ва 20 июлга қадар Адлия вазирлиги томонидан пухта таҳлил қилинади ҳамда ўтказилган тадбирлар самарадорлиги ушбу Низомга 2-иловада келтирилган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни баҳолаш мезонларига мувофиқ электрон порталда автоматик тарзда баҳоланади.

Зарур ҳолларда, адлия органлари вакиллари бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар вакилларини жалб қилган ҳолда, электрон порталга киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини уч кун ичида жойига чиқиб ўрганишлари мумкин.

Ўрганиш натижасида маълумотлар нотўғрилиги аниқланса, бу ҳақда Адлия вазирлиги камчилик аниқланган тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарини камчилик аниқланган кундан эътиборан бир кун ичида огоҳлантиради ҳамда мониторинг ва баҳолаш якуни бўйича тайёрланиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган таҳлилий ахборотда уларга нисбатан тегишли чоралар кўриш юзасидан таклифлар беради.

11. Электрон порталда давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқий тарғибот тадбирлари самарадорлигини баҳолаш ҳар бир индикатор бўйича алоҳида юритилади.

Адлия вазирлиги томонидан ташкил этиладиган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари самарадорлиги мунтазам равишда мониторинг қилиб борилади ҳамда уни такомиллаштириб бориш чоралари кўрилади».

5. 14-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «ҳар олти ойда» сўзлари «ҳар йили 25 январга ва 25 июлга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. 15-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«15. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан электрон порталга киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари масъул ҳисобланади».

7. 16-банддаги «ҳақиқийлигига» сўзи «ҳаққонийлигига» сўзи билан ал-  
маштирилсин.

8. 1 ва 2-иловалар\* қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

---

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**79** «Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумни ҳисоблаш ва солиқлар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
15 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3143-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 ноябрдаги 707-сон «Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ёлланган ходимларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш ҳамда солиқ солинадиган даромадлар ва чегириладиган харажатлар ҳисобини юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 31 январдаги 2019-07-сон «Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумни ҳисоблаш ва солиқлар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3143, 2019 йил 19 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 12-сон, 235-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 3 февраль,  
2022-04-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 15 февралда эълон қилинган.



*Келишилди:*

*Молия вазири*

*Т. ИШМЕТОВ*

*2022 йил 27 январь*

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

*А. ИКРАМОВ*

*2022 йил 22 январь*

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги**  
**маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 3 февралдаги 2022-04-сон «Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумни ҳисоблаш ва солиқлар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

*2022 йил 15 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3143-1.*

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 31 январдаги 2019-07-сон «Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумни ҳисоблаш ва солиқлар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3143, 2019 йил 19 март).

*2022 йил 11 февралда давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**